

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

Ҳалим САИДОВ

**ЯНГИЛИКЛАР ЖУРНАЛИСТИКАСИ ВА РЕПОРТЁРЛИК
САНЪАТИ**

Маърузалар матни

Тақризчилар: **Б.Дўстқораев**, филология фанлари номзоди,
доцент. **Қ.Очилов**, ЎзА Бош директори ўринбосари,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Тошкент — 2013

МУҚАДДИМА

«Янгилик ёзиш ва таҳрири санъати» курсининг маъруза ва амалий машғулотлари миллий матбуотимиз анъаналари ва ривожланган демократик давлатлар оммавий ахборот воситалари тажрибаси асосида тузилган бўлиб, талабаларга бугунги матбуотнинг асоси бўлган янгиликлар ҳақида тушунча беради, унда янгиликларнинг давлат ва жамият тараққиётида тутган ўрни, уларнинг халқаро аҳамияти борасида фикр юритилади, энг асосийси, бўлКуси журналистга ахборот тўплаш, ахборотни қайта текшириш, ёзиш ва таҳрир қилиш сирларини ўргатади.

Шунингдек унда ахборот олишнинг ҳуқуқий меъёрлари, журналист ҳуқуқи, мажбурияти ва бошқа ҳуқуқий меъёрлар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Янгиликлар тузилмасининг, турларининг ўзига хосликлари алоҳида-алоҳида мавзуларда ўрганилиши ва бевосита амалий машғулотларда муҳокамага тортилиб, таҳлил этилиши, амалда ёзиш ва таҳрир қилиш кўзда тутилган.

I - БЎЛИМ. ЯНГИЛИКЛАР НАЗАРИЯСИ

Янгиликлар тушунчаси 5

Янгилик тушунчасининг келиб чиқиши. Янгиликнинг ўзига хослиги. Янгиликнинг журналистикадаги бошқа жанрлар учун асос эканлиги. Янгиликлар концепцияси.

Янгилик ва тараққиёт 11

Янгиликларнинг давлат ва жамият тараққиётига таъсири. Демократик жамият учун янгиликларнинг аҳамияти. Тоталитар тузумда янгиликларнинг аҳамиятсизлиги. Уюштириладиган сохта янгиликларнинг мақсадлари.

Ахборот олишнинг ҳуқуқий кафолатлари 12

Ўзбекистонда журналистнинг ахборот олиш ҳуқуқлари бўйича давлат қонунлари. Ахборот олишни таъминлаш. Ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгарлик. Журналистнинг мажбуриятлари. Журналистика соҳасининг сири.

Янгиликларни топиш (ажрата олиш) маҳорати 16

Янгиликлардан ўз вақтида огоҳ бўлиш санъати. Демократик жамиятда ахборот йиғишнинг мураккаблиги. Содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар орасидан янгиликни ажрата билиш. Аниқланган янгиликларнинг далил (факт)ларини қайта текшириш.

II. БЎЛИМ. НАЗАРИЯДАН АМАЛИЎТГА

Янгиликлар тузилмаси ва олти боқий савол 19

Жаҳон оммавий ахборот воситалари янгиликлари қабул қилган олти савол - «ким», «нима», «қаерда», «қачон», «нега», ва «қандай қилиб» ахборотнинг асосий унсурлари сифатида. Материал тузилмасини белгилаб олиш, танлаш. Тўнқарилган эҳром шакли оддий хронологик шакл. Климатик шакл. Бошқа тузилмалар.

Киришнинг оҳанрабоси 23

Сарлавҳага танланган сўзлар (сарлавҳали янгилик матни учун) – киришнинг энг таъсирли воситаси. Иқтибосли кириш. Ўқувчига мурожаат қилинган саволли кириш. «Нима»лигини аниқлаш билан бошлаш. «Ким» унсури доим эътиборда. «Қачон»нинг ҳам аҳамияти катта. «Мавзуга қайтиб» кириши. Киришнинг бошқа кўринишлари.

«Тил»ингиз имкониятлари ва таҳрир санъати 26

Тил қонуниятларини билиш. Сўз юкини ҳис қилиш масъулияти. Янгилик ёзишда қисқаликка, аниқликка риоя қилиш. Фикрни қисқа сатрларда баён қилиш маҳорати. Мавҳумликдан қочиш. Ноўрин ишлатилган сўз ёки жумла. Ортиқча гап ўқувчини бездирди. Бўрттириб ёзишнинг зарарлари. Янгиликлар таҳрирининг ўзига хосликлари.

Янгиликлар турлари ва уларнинг ОАВдаги ўрни 28

Давлат сиёсати, халқаро сиёсат ҳақида янгилик ёзиш. Иқтисод-молия ҳақида янгилик ёзиш. Таълим янгиликлари. Илмий янгилик ёзиш. Спорт янгиликлари энг кўп ўқилади. Бошқа мавзудаги янгиликлар ёзишнинг ўзига хосликлари. Янгиликлар ёзишда ихтисослашишнинг аҳамияти.

Телеянгиликларнинг ўзига хослиги 30

Телеянгиликлар. Телеянгиликлар матнининг тасвирдаги воқеа-ходисалар билан ҳамоханглиги, боғлиқлиги. Репортёр услуби - жонли чиқиш ва нутқнинг ўзига хослиги.

Радиоянгиликларнинг ўзига хос хусусиятлари 30

Радио янгиликлар. Репортёрнинг нутқ маданияти. Воқеа-ходисалар иштирокчиларининг жонли гувоҳликларини янгиликда бера билиш маҳорати.

Таянч иборалар 33

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 34

ЯНГИЛИК ТУШУНЧАСИ

Кўпчилик XX асрни ахборот асри деб атади ва бундай дейишга асос бор эди. Фан-техника, иқтисод, сиёсат, қисқаси инсониятни тараққиётга элтадиган барча соҳалар ахборот алмашинувининг тезлигига қараб ривожланди.

Ўтмишда бозорларда, тўй-маъракаларда одамлар ўзаро фикр алмашишган, муҳим хабарларни билишган ва ўз юртларига қайтиб халққа етказишган бўлса, бугунга келиб бу вазифани газета, телевидение, радио ва ниҳоят энг янги воситалардан бири «Интернет» (Internet) тармоғи бажармоқда.

Ўаёт шиддат билан давом этар экан, дунёнинг ҳар бир нуқтасида воқеа-ҳодисалар бўлиб тураверади. Уларнинг ҳеч бирини қолдирмай халққа етказиш жуда мушкул. Бугунги оммавий ахборот воситалари бу воқеа-ҳодисаларнинг энг аҳамиятли, энг қизиқарлиларинигина танлаб чоп этиш, эфирга бериш, интернет тармоқи орқали тарқатишга ўтди. Яъни, хабарлар «муҳим» ёки «муҳим эмас»га ажралди. Журналистикага эса муҳим хабарни англатадиган янги атама кириб келди. У ЯНГИЛИКЛАР дея номланди. Бугун дунё матбуотида янгиликнинг аҳамияти катта. Матбуот нашрлари - газета ва журналларнинг биринчи саҳифалари янгиликка ажратилади. Радио ва телевидение орқали намойиш қилинадиган ва ҳаво мавжларига узатиладиган ахборот дастурлари ўзларининг биринчи мавзуларини янгилик билан бошлайдилар.

Шу боис «Янгиликлар» деганда бугун кўпчилик матбуотдаги рукн ёки телевидение ва радиодаги дастурларни, аниқроғи унда бериладиган янги ахборотларни тушунади. Хорижда анча даврлардан буён шундай. Дейлик инглиззабон давлатларда янгилик деганда инглиз тилида чоп этиладиган газета ва журналлардаги турли янги ахборотлар, шунингдек ТВ ва РВ даги янгиликлар дастурлари тушунилади. Уч тилда ҳам ўзак битта - яъни ўзбекча **янгиликлар**да *янги*, «**news**»(янгиликлар)да эса *pew* (янги) ҳисобланади. Русчадаги «**новости**» сўзининг ўзаги ҳам *новый*(янги)дир.

Бугун дунёда news атамаси соф оммавий ахборот воситалари билан боғлиқ атамага айланган. У журналистикадаги барча жанрлар асоси сифатида ҳам тан олинган. Ўзбекистонда эса бунга замин мустақилликка эришгач яратила бошланди. Буни бевосита бир гуруҳ журналистларимизнинг Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ҳомийлигида Ўиндистон оммавий ахборот воситалари институтида ўқишлари бошлаб берди десак адолатдан бўлади. Шу ўқиш натижаси ўлароқ, журналист Фахриддин Низомнинг «Янгилик нима, информация-чи?» («Тафаккур» журнари 1997 йил 2-сон) мақоласи вужудга келди.

«XX асрнинг сўнгги ўн йилликларини ҳақли равишда ахборот инқилоби даври деб баҳолаш мумкин. Ахборот инқилоби, глобаллашаётган ахборот воситалари жаҳон манзарасини бутунлай ўзгартириб юборди. Бугунги дунёнинг тақдири ядро жомадонидаги тугмачани эмас, микрофон тугмачасини босиш билан ҳал этиладиган бўлиб қолди», - дея бошланади мақола.

Ўзбекистон бозор иқтисодига асосланган демократик эркин жамият куришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шу мақсаддан келиб чиққан муаллиф ўз мақоласида оммавий ахборот воситаларининг, шунингдек журналистика илми олдига мантиқли саволларни қўяди.

«Хўш иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, жамиятнинг барча жабҳаларини қайта куриш, мустақилликни мустаҳкамлашда ахборотнинг аҳамияти қандай? Айни пайтда миллий журналистикани вужудга келтириш борасида нима ишлар қилинмоқда ва қилиниши керак? Балки бу борада дунё журналистикаси алифбосидан бохабар бўлиш, тажрибалардан ўрганиш зиён қилмас» (ўша манба).

Дарҳақиқат, ривожланган ва ривожланаётган давлатлар матбуотида «янгиликлар» илм даражасида ўрганилган. Қалин-қалин китоблар, дарсликлар яратилган. Уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш мумкин.

Келинг гапни янгиликлар тушунчасидан бошлаймиз. Янгиликнинг таърифи сифатида Ғарбу-шарқ ҳар доим ит ҳақидаги воқеа ва фикрни таъкидлашади. Бу фикрни АҚШнинг «Нью Йорк Сан» газетасида фаолият кўрсатган Жон Богарт айтган:

«Агар ит одамни тишласа, бу янгилик эмас. Бироқ, одам итни тишласа, бу янгиликдир». (Қаранг: Conrad C.Fink. Introduction to professional newswriting. USA: Longman Publishers, 1998).

Ўиндистондаги қуйидаги воқеа ва унинг матбуотдаги кўриниши рус журналистикасининг айрим назариётчилари томонидан янгиликка таъриф учун мисол келтирилган. «Қизалоқ кобрани тишлаб ўлдирди» сарлавҳасидаги бу янгилик ноодатийлиги билан ажралиб туради.

«Икки яшар қизалоқ қора кобрани тишлаб ўлдирди. Бу воқеа унинг ота-оналари кўз ўнгиде содир бўлди. Ўз уйининг ҳовлисида ўйнаб юрганда, қизча бўйинларини ёйган илонни кўриб қолди. Қизалоқ бирор нарсани ушлаган каби уни тутиб оқзига яқинлаштирди ва тишлади. Кўрқувдан ваҳимага тушган ота-оналар бола томон ташиланиди, қўлчасида маҳкам сиқилган ўлик илонни тортиб олиб четга улоқтиришиди. Қизалоқни эса шу заҳоти шифохонага олиб боришиди. Шифокорларнинг айтишича, қизча «соппа-соқ ва қувноқ»(Мадрас(Ўиндистон)нинг «Мейл» газетаси).

Ўз миллий матбуотимиз тарихига, хусусан, жадинлар матбуотига назар ташласак газеталар муҳаррир ва журналистларининг янгиликни ёзишга, муҳим фикр айтишга ҳаракат қилганликларига шоҳид бўламиз. Мисол тариқасида машҳур маърифатпарвар, Туркистон жадинларининг карвонбошиси Маҳмудхўжа Бехбудий муҳаррирлик ва ноширлик қилган «Самарқанд» газетасида чоп этилган «Ажаб воқеа»(сарлавҳаси) янгиликлар сифатида талқин этилади.

«Хўжандда Абдулрофеъ маҳалласида Файзия деган эри ўлган бир хотун ила онинг 14 ёшлик бир қизи бор экан. Мазкур хотун ёшлик чоғида эрсиз қолганидан онинг ҳамсоясиде бўлган Зарифқори исмлик бир одам онинг аҳволидан хабардор бўлуб, дафъи эҳтиёжи хусусида баъзан ёрдам бериб турганини мазкур маҳалла аҳолиси айтадурлар.

Кунлардан бир кун 65 ёшқа етган Зарифқори ўшал хотуннинг қизига муҳаббат қўйиб, олмоқ фикрида юрганида тақрибан 60 ёшлик Файзия хотун Зарифқорининг 16 ёшлик Зиёвуддин деган ўқлиқа ошиқ бўлур.

Бир кун бетоқатлиқидин Зарифқори қизиқа ошиқ бўлганини Файзияқа билдурганида бу хотун ҳам онинг ўқлиқа ошиқлигини изҳор этибдур. Ўамда агар шунинг чораси топилса, унга-да бир чораси топилмоқи мумкинлигини баён қилибдур.

Бу сўзни эшитиб, жону дилидан Зарифқори рози бўлуб, балатохир Файзия кампирни ёш ўқли Зиёвуддинқа ва унинг 14 ёшлик қизини ўзиқа ақд ва тўй қилибдур» («Самарқанд» газетаси, 1913 йил 16 июль).

Юқорида келтирилган мисолларга умумий хулоса ясайдиган бўлсак, янгилик сифатида берилаётган ахборотлар одамлар томонидан кутилмаганлиги, яъни фавқулоддалиги ва қизиқарлилиги билан характерланади. Масалан биринчи мисолимизда итнинг одамни тишлагани одатий ҳисоблангани ҳолда унга қарама-қарши тарзда одамнинг итни тишлаши ноодатий ҳолдир. Кейинги мисолимизда заҳарли илон қизчани эмас, қизчанинг заҳарли илонни тишлаб ўлдиргани ҳам ноодатий ҳолдир. Зеро, заҳарли илонларнинг чақишидан жуда кўп одамлар азият чеккан, нобуд бўлганлиги ҳақида ҳаётда жуда кўп мисоллар бор. Учинчи, ўзимизнинг жадид матбуотидан олинган мисолда ҳам одамлар учун ноодатий воқеа юз берган. Биринчиси икки оила бошлиқларининг ўз нафслари йўлида ақл бовар қилмас даражадаги тил бириктиришлари бўлса, иккинчиси маҳаллий халқ учун ноодатий ҳисобланган ёши катта аёлнинг ҳали уйланмаган ёш йигитга «турмушга чиқиши»дир.

Демак, янгилик тушунчасининг биринчи омили унинг ноодатийлигида, яъни кишилар томонидан кутилмаганлигидадир. Иккинчи жиҳати эса воқеанинг қизиқарли эканлигидир.

Юқоридаги мисоллар янгиликларнинг тарихий кўринишлари эди. Бугун янги - ХХІ асрда бу тушунчалар биров ўзгарди, таъбир жоиз бўлса, кенгайди. Зеро илм-фан ривожини натижасида техника ривожланди, глобаллашув сиёсати, экологик муаммолар ва бошқа қатор омиллар янгиликлар доирасини кенгайтди. Бугун давлат раҳбари, ҳукумат олиб бораётган сиёсат, иқтисодий молиявий ўзгаришлар, халқаро сиёсий воқеалар, турли кашфиётлар, тадқиқотлар, фавқулодда ҳодисалар, табиий офатлари ҳам янгилик бўла олади.

Журналистика назариётчилари ўлимни ҳам янгилик сифатида ишлатишади. Бироқ ҳаммасини ҳам эмас. Халқимизда «бир бошга бир ўлим» сингари мақоллар бор. Дарҳақиқат, инсон дунёга келибдими, бир куни уни тарк этиши аниқ. Бу одатий ҳол. Хўш юқорида биз тилга олган журналистика назариётчилари янгилик бўла оладиган ўлим деганда нимани кўзда тутишяпти?

Ўиндистонлик профессор К.М.Шривастава шундай тушунтириш беради: «Ўлимнинг янгилик бўлишини ҳар бир киши қабул қилади. Агар шахс касаллик ёки бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этса, бу янгилик

бўлади. Мазкур янгиликнинг муҳимлиги шахснинг мавқеи ва аҳамияти билан алоқадордир. Индира Ганди хоним террорчилар томонидан ўлдирилди. Бу катта янгилик эди. Агар у юрак хуружи ёки бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этганда ҳам катта янгилик бўларди. Бу янгилик Ганди хоним шахсининг аҳамияти билан муҳимдир – бунда бошқа омиллар ҳам бор эди. Лекин ҳодисанинг айнан шахсга дахлдорлиги катта воқеа эди»(Қаранг: К.М.Shrivastava. News reporting and editing. New Delhi. 1991.).

Янгиликлар ким, нима, қаерда, қачон, нега ва қандай қилиб, жаъми олти саволга жавоб бериши лозим. Жавоб берганда ҳам маълум талаблар асосида жавоб бермоқчи зарур.

Тезкорлик мазкур талабларнинг биридир. Ривожланган давлатларда янгиликларга «истеъмом» учун энг зарур, лекин тез айнийдиган «маҳсулот» сифатида қарашади.

Ўқувчи мавҳумликни ёмон кўради. Шу боис **аниқлик** янгиликлар талабларининг асоси сифатида олти саволнинг ҳар бирида намоён бўлиши таъкидланади.

Маълум воқеа-ҳодиса ҳақида *ёлгон* кўшиб ёки *бўрттириб* ёзилганда янгиликларнинг **объективлик, ҳаққонийлик** каби талабларига путур етади. Бу икки иллат нафақат жамият тараққиётига, балки миллатлар, давлатлар ўртасига раҳна ҳам солади. Маълум кучлар айрим оммавий ахборот воситаларида берилаётган сохта янгиликлар орқали ўзларининг қабих ниятларини амалга оширишга ҳаракат қилишлари фикримизга далил бўлади.

Бундай мисоллар эса жуда кўп. 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган террористик амалиётлар оқибатида Қўшма Штатлар халқаро терроризмга қарши уруш эълон қилди. Қисқача айтганда АҚШ биринчи зарбани Афғонистондаги «Толибон» ҳаракатининг ҳарбий базаларига бера бошлади. Кўпгина давлатлар, хусусан халқаро террорчиларнинг қора қилмишларини ўзида синаб кўрган Ўзбекистон ҳам бу ҳаракатга ўз муносабатини билдириб, асосан инсонпарварлик ёрдами учун ўз ҳудудидаги битта аэропортни АҚШга қисман беражагини маълум қилди.

Россиянинг айрим оммавий ахборот воситалари бундан кейинги янгиликларини шундай уюштирдиларки, гўё «Толибон» раҳбарлари 10 минг кишилик армиясини Ўзбекистон чегарасига олиб келиб қўйган, ҳатто Ўзбекистон ҳам чегарада бутун армиясини тўплаганию ана-мана деганда уруш бошланиб кетиши мумкинлиги ҳақида хабар тарқатди. Аслида эса бу фитна эканлигини кўпчилик англади. Ўзбекистон ҳукумати ўз норозилиги билдиргач, бу ОАВ кечирим сўраш ўрнига бошқа ёлгонни тўқиди. Зеро ёлгон бошқа ёлгонни келтириб чиқаради. Эмишки, «Толибон» раҳбарияти чегара ортида йиқилган аскарларини ички рақиби «Шимолий иттифоқ» деб ном олган ва дунё мамлакатлари расман тан олган ҳукумат аскарларига қарши ҳужумга тортган.

Мазкур мисолда янгиликларнинг юқорида таъкидланган икки талаби бузилган. Бундай ноҳолис ёндошишларни бартараф этиш янги аср журналистикаси олдидаги муаммолардан биридир.

Янгиликка таъриф топиш асносида унинг информация, хабар, хроника кабилардан фарқи ҳам изланди, бу ҳақда матбуотда ёзилди ҳам. Бироқ америкалик ҳамкасбларимиз билан бўлган тажриба алмашишлар натижасида маълум бўлдики, юқорида номлари келтирилганларнинг барчаси ахборот жанрига киради ва улар янгиликларнинг муайян маънодаги синоними ҳисобланади.

Янгиликлар тушунчасига хулоса ясаб айтишимиз мумкинки, халқаро мезонларга кўра янгилик - бу яқин фурсатда бўлиб ўтган, жамиятнинг асосий қисми учун муҳим ва қизиқарли ҳисобланган воқеа-ҳодиса ёки фикр ҳақидаги ахборотдир.

Жамиятнинг катта қисми учун қизиқарли бўлган ва ҳеч қачон уларнинг эътиборига тушмаган ҳар қандай нарса янгиликдир.

*Чарлз А. Дана,
Америкалик муҳаррир*

Янгиликлар - «теша тегмаган гаплар»дир.

*Қулман Очилов, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист.*

САВОЛЛАР

1. Янгиликларга берилган тарихий таърифни айтиб беринг?
2. Янгиликларга берилган таъриф нега ўзгарди, деб ўйлайсиз?
3. Янгиликларга қўйилган қандай талабларни биласиз?

Топширик

Оммавий ахборот воситаларидан мавзуга муносиб мисоллар топинг

ЯНГИЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

Янгиликларнинг нималигини юқоридаги бўлимда аниқладик. Хўш, унинг инсоният, жамият тараққиётига таъсири қандай, яъни янгиликнинг аҳамияти нималарда кўринади?

Янгиликларни ўз вақтида халққа етказмаслик, аниқроқчи бўлаётган воқеа-ҳодисаларни халққа ошкор этмаслик жамиятда турли миш-мишларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Ўз вақтида огоҳ бўлмаслик аҳолининг турли бало-қазоларга йўлиқишига сабаб бўлади.

Шу маънода янгиликлар яхшиликни тарғиб этади, ёмонликнинг олдини олади. Буюк Навоий бобомиз «Эурсен шоҳ-агар огоҳ сен сен, Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен», деган фикрни бежиз айтмаган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач «Кучли давлатдан кучли жамият сари» Ғоясини амалга оширишга киришди. Давлат ва жамият қачон кучли ва қудратли бўлади? Албатта фуқароларнинг маънавий-маърифий даражаси юқори бўлса, улар жамият тараққиёти давридаги барча янгиликлардан (хоҳ у ижобий бўлсин, хоҳ салбий) огоҳ бўлсалар ва ўз навбатида бўлаётган

воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириб, унга мос равишда ҳаракатда бўлсалар (иллатларга қарши курашсалар, ютуқлардан ибрат олиб ривожлантирсалар) бу ҳолат алалоқибат жамият ва давлатнинг ҳар томонлама ривожланишига сабаб бўлади.

Яқин тарихимиздаги Шўролар ҳокимияти янгиликларни халқдан яшириш билан шуғулланди, бўяб кўрсатди, халқ албатта мазкур ноҳақликларни кўриб турди, натижада давлат ҳам, жамият ҳам таназулга учради. Энг асосийси, шўролар салтанати чўкаётган бир маҳалда уни қутқариш учун халқ орасидан ҳеч ким ёрдам қўлини узатмади.

Етмиш йиллик мазкур тизимда оммани исканжада сақлаш мақсадида тезкор янгиликлар тарқатиш масаласи кун тартибидан олиб ташланди, бу йўлда ҳаракат қилган барча журналистлар қатағонга учради. Ахборотни яшириш тоталитар тузумнинг ўзига хос иллатидир.

Янгилик нафақат бир давлат ва жамият тараққиётига, балки халқаро ҳамжамят тараққиётига ҳам хизмат қилади. Дунёда глобллашув жараёни бораётган пайтда янгилик халқаро аҳамият касб этади. Дейлик илм-фандаги янгиликлардан дунё халқларининг хабардор бўлишлари тараққиётни тезлаштиради, яъни инсонлар кашфиёту ихтиролар натижасида дунёни, ўзликни англашга ҳаракат қила бошлайдилар. Иқтисодий-сиёсий янгиликлардан воқиф бўлиш давлатлар ўртасидаги муносабатларга таъсир қилади, алоқадор давлатларни ривожланишга олиб келади. Бундан ташқари халқаро воқеалардан огоҳ бўлиб туриш давлатнинг, жамиятнинг ҳавфсизлигини ҳам таъминлашга ёрдам беради.

Бироқ жаҳон оммавий ахборот воситаларининг тарқатаётган барча янгиликлари ҳам тараққиётга хизмат қилади десак хато бўлади. Аввалги мавзумизда таъкидланганидек айрим оммавий ахборот воситалари муайян гуруҳ ёки шовинистик руҳи юқори турган давлатлар учун хизмат қилади ва уларнинг сиёсатига мос янгиликларни, айрим пайтлари ёлғон ёки миш-миш хабарларни бериб боради. Ёлғонга асосланган ёки муайян янгиликларни бир тарафлама, атайлаб бериб бориш тизими тингловчи ёки ўқувчининг дунёқарашига таъсир этиши, шубҳасиз.

Хўш, бундай мақсадли ахборот «хужум»ларидан қандай ҳимояланамиз, аввало бу «хужум»ларни қандай мезонлар ёрдамида аниқлаймиз. Юқорида ҳар бир давлатнинг ўз миллий манфаатлари мавжудлиги ҳақида фикр юритган эдик. Айримларга маълум халқлар тинчлиги зарур бўлса, баъзиларга... Умумий гаплардан аниқ мисолларга ўтсак, буни Афғонистон мисолида кўришимиз мумкин. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов юртимиз равнақини Афғонистон тинчлигида кўради. Буни у ўз сўзлари, нутқлари, оммавий ахборот воситалари мухбирларининг саволларига берган жавобида кўп бор такрорлаган, амалий ишларида қўллаган. Афғонистон худудидаги тинчликдан Ўзбекистон қай жихатдан манфаатдор? Биринчидан, қўшни ҳовлига ўт кетса албатта бу офат сенга ҳам талофат етказади. Иккинчидан, у юрт тинч бўлса Ўзбекистон иқтисодий жихатдан фойда кўради, яъни Афғонистон орқали океанга чиқишимиз осон бўлади. Маҳсулотимизни жаҳон бозорига сотиш эса юрт Ғазнасига валюта

келтиради. Валютага эса янги замонавий технологиялар сотиб олинади. Янги технологиялар воситасида янги завод, фабрикалар курилади, ишлаб чиқариш ривожланади, ишсизликнинг олди олинади. Булар миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари - ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига олиб келади. Энг асосийси бу миллий манфаат ўзга мамлакат халқининг манфаатига мос келади.

Бунга қарама-қарши ўлароқ Афғонистондаги нотинчлик, жангу жадалдан баъзилар манфаатдор. У ерда уруш давом этса курул-аслаҳалар сотиб, фойда кўриш мумкин бўлади, у юртда парокандалик бўлиб турса наркотик моддалар бозори ўлмайди ва ҳоказо. Бу ҳам манфаат, лекин ўзга халқ манфаатига зид. Бу икки манфаат ўртасидаги ғояларнинг бири эзгуликка, бошқаси ёвузликка хизмат қилади. Демак тарқатилаётган ҳар бир янгилик учун мезонимиз, муносабатимиз миллий истиқлол Ғоясига асосланади. Миллий истиқлол ғояси қолипига мослашиш ўзига хос чегараланишга олиб келади, ҳаммаёқ мақтовга тўлиб кетади, деган фикрга бормаслик лозим. Зеро мавзумиз аввалида айтилганидек, янгиликлар яхшилиқни тарғиб этади, ёмонликнинг олдини олади. Демак эзгуликка хизмат қиладиган ишлар ҳам ёмонликни келтириб чиқариши мумкин бўлган барча ҳаракатлар ҳам халққа ўз ҳолича етказилади.

Амалий машғулотлар

Оммавий ахборот воситаларидан тараққиётга хизмат қиладиган ва унинг акси сохта янгиликлар ҳисобланган икки хил янгиликларни топинг, изоҳланг.

1. Янгиликларнинг давлат ва жамият тараққиётига қандай таъсири бор?
2. Демократик жамият учун янгиликларнинг аҳамияти нималарда кўринади?
3. Сохта янгиликлар нима мақсадда уюштирилади?

АХБОРОТ ОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Ахборот олиш албатта ҳар қандай демократик давлатда қонунлар билан кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида бу ҳақда шундай дейилади.

«Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин».

Мазкур кафолатнома Ўзбекистон Республикасининг «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонунларда ҳам ўз аксини топган. Аввал зикр этилган қонуннинг 9-моддасида «Журналист ахборот тўплаш ва текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга» дейилса, иккинчи қонуннинг 3-моддасида «Ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар кимнинг ахборот излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади», 4-моддасида эса «Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари ахборотнинг ошкоралиги, ҳамма олиши мумкинлиги, очиклиги ва ҳаққонийлигидан иборатдир», дейилади.

Ахборотлар кимлардан олинади, деган саволни қўйишдан аввал ахборотни турларга бўлиш мумкин. (Қаранг: «Журналистнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти», Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисида қонунчилигига шарҳлар). (Т.: Фан, 2000 й. 28-бет):

1. Фуқаролик муомаласидаги ахборотлар.
2. Ҳаммабоп ахборотлар.
3. Олиш имкони чекланган ахборотлар.

Фуқаролик муомаласидаги ахборотлар шахсларга тегишли ахборотлар бўлиб, бундай ахборотга эга киши уни ўз хоҳишига кўра тасарруф қилади, истаса пулга сотиши ҳам мумкин, бу ахборотни олиш имкони ва тартибини унинг ўзи белглайди. Агар шахс бундай ахборотни беришни хоҳламаса, ўз қарорини асослаши шарт эмас...

Ҳаммабоп ахборотлар қонунчиликнинг бевосита талабига кўра фуқаролар ўз конституциявий ва бошқа қонуний ҳуқуқларини амалга оширишлари учун эркин тақдим этилиши лозим».

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасини келтириш жоиздир:

«Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим».

«Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида мансабдор шахсларнинг ахборот олиш учун шароит яратиб беришга мажбурлиги таъкидланган:

«Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбурдир. Ахборот олиш имконияти тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади».

«Имконият яратиб беришмасачи?» деган савол туғилиши табиий. Бу ҳолатда ҳозирги қонунчилигимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишишларини асоссиз

рад қилган мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 43-44 моддаларида таъкидланган.

Ва ниҳоят, олиш имкони чекланган ахборотлар ҳам мавжудки, улар давлат сири бўлган ахборот ва махфий ахборот сифатида фарқланади. Юқорида Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонунда «Такдим этилиши мумкин бўлмаган ахборот» (9-модда) қуйидагича белгиланган: «Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар давлат сири ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сирдан иборат ахборотни беришлари мумкин эмас».

Албатта ахборотлар ОАВлари орқали тарқатилади. Шу боис «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси олиш чекланган ахборотларга тегишлидир.

«Оммавий ахборот воситаларидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонун билан қўриқладиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади.

Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг ҳал қилув қарори ёхуд ҳукми қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёки судга ўзгача йўл билан таъсир кўрсатиш, номини кўрсатмаслик шарти билан маълумот берган шахснинг номини ошкор қилиш (суд ошкор этишни талаб қиладиган ҳоллар бундан мустасно) тақиқланади».

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, чекланган ҳужжатлаштирилган ахборотлар - давлат сири ёки махфий бўлган ахборотлардир.

«Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 1-моддасида давлат сирлари қуйидагича тушунтириш берилган:

«Давлат томонидан қўриқладиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари ҳисобланади.

Давлат сирлари Ўзбекистон Республикасининг мулкидир».

Шунингдек юқоридаги қонунда давлат сири саналиши мумкин бўлмаган ахборот борасида ҳам фикр алоҳида 5-моддада кўрсатилган:

«Махфийлаштирилиши фуқаронинг шахсий ҳафсизлигига таҳдид соладиган ахборот давлат сирларига мансуб деб топилиши мумкин эмас».

Ўаётда шундай раҳбарлар ҳам учрайдики, жамиятга зарар келтираётган бирор мавзу бўйича ахборот сўралганда касб сири, хизмат сири, тижорат сири, ва ҳатто, давлат сири деган баҳона билан маълумот беришдан бош тортадилар. Бундай раҳбарлар учун юқорида таъкидланган қонуннинг 10-моддасида «...ахборотни қонунга хилоф равишда махфийлаштирганлик учун айбдорлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар», дейилган.

Журналистика соҳасининг сири ҳақида «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида шундай дейилади:

«Фуқаролар ёки бошқа ахборот манбалари томонидан ихтиёрий равишда маълум қилинган махфий хабар, шунингдек факт ёки воқеалар журналистика соҳасининг сири ҳисобланади.

Журналистнинг журналистика соҳасининг сири ҳисобланадиган маълумотларни бу маълумотлар манбаининг розилигисиз ошкор этиш, шунингдек улардан ўзининг ғаразли манфаатлари ёки учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаб фойдаланиши таъқиқланади».

Журналистикада ахборотни нотўғри бериш, узатиш салбий, нохуш оқибатларни келтириб чиқаради. У нафақат муайян жамиятнинг ички тартибини бузиши, балки давлатлар ўртасида низо келтириб чиқариши мумкин. Шу боис оммавий ахборот воситалари ахборотнинг тўғрилиги учун жавоб берадилар. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида бу масъулият алоҳида таъкидланади:

«Оммавий ахборот воситалари эълон қилинаётган ахборотнинг тўғрилигини текшириб кўришлари шарт ва улар ахборот берувчи билан биргаликда унинг тўғрилиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар».

Юқорида таъкидланган жиҳатлар журналистнинг доимий эътиборида бўлмоқчи талаб этилади. Шу билан биргаликда журналистнинг масъулияти, ахборот олишнинг тартиблари ва бошқа маълумотлар юқорида номлари зикр этилган қонунларда белгилаб берилган ва адабиётларда шарҳланган. Демократик жамиятда қонун устувордир. Журналист аввало ўзи қонунга итоат этмоқчи даркор. Шунингдек у қонунларнинг тарғиботчиси, уни ҳаётга татбиқ этиш даражасининг ўзига хос ойнаси ҳам бўлиши лозим.

Бу борада (Нью-Йорк Таймс» газетаси, СиЭнЭн ва халқ миллий радиосининг собиқ журналисти) айтмоқчи «Матбуот халқнинг ўз ҳуқуқини билишида асосий кафолатчидир».

Фикримизни хулосалаб айтишимиз мумкинки, журналист ахборот олишнинг ҳуқуқий жиҳатларини эгалламай туриб, ўз фаолиятини тўғри йўлга қўя олмайди. Унинг фаолиятсизлиги эса жамиятга зарар келтиради холос.

«Матбуот халқнинг ўз ҳуқуқини билишида асосий кафолатчидир».

*Жон Валлоч, Нью-Йорк Таймс» газетаси,
СиЭнЭн ва халқ миллий радиосининг
собиқ журналисти*

1. Ахборот олишни кафолатлайдиган қандай қонунларни биласиз?
2. Журналистнинг мажбуриятлари нималардан иборат?
3. Журналистика соҳасининг сири деганда нимани тушунасиз?

Амалий машғулотлар

Ахборот олишни кафолатлайдиган қонунларни ўқиб, конспект қилинг.

ЯНГИЛИКНИ ТОПИШ (АЖРАТА БИЛИШ) МАЎОРАТИ


Ахборотлар уммонидан янгиликни топиш, ажрата билиш, яъни зарурни нозарурдан, аҳамиятлисидан аҳамиятсизини ажрата билиш, фарқлаш учун талаба-журналист давлат сиёсати, иқтисоди, молияси, армияси, таълими, маданияти, спорти, халқаро муносабатлари, прокуратураси, суд тизими ва ҳоказо барча тузилмаларни билиши, улардаги ислохотлар, ислохотларни амалга ошириш борасидаги ишлардан, унинг қай даражада бажарилаётганидан огоҳ бўлиши лозим.

Саналган йўналишларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида тадқиқот ёки шарҳларнинг мавзуси бўла олади. Уларни кенг ёритиш учун ушбу рисола саҳифалари торлик қилади. Шу боис бошқа йўналишларнинг аҳамиятини камситмаган ҳолда уларнинг айримларига тўхталамиз. Дейлик Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, унинг ўзга ривожланган давлатлар таълим тизимидан фарқланиши, тажрибада янгилиги, дастурни амалга ошириш жараёнидаги ҳар бир натижа, воқеа-ҳодиса янгилик бўла олишини журналист яхши англамоқчи ва уни муштарийлар - халққа етказа билиши лозим.

Маълумки Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Олий Мажлисида қонун даражасида қабул қилинган ҳужжатдир. Албатта қонуннинг ижроси бўйича қатор фармон ва қарорлар эълон қилинади. Қонун ана шу қарорлар ижроси асосида бажарилади. Дейлик мазкур миллий дастурда «Ўрта махсус, касб-хунара таълими» бўйича мутлақо янги тизим шаклланиши таъкидланади. Унинг ижроси бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинди. Журналист аввало ана шу қарорлардаги бандларни яхши ўзлаштириши, уларнинг қайси вазирлик ёки ташкилот томонидан бажарилиши лозимлигини аниқлаши лозим. Ана шундан кейин қарорда кўрсатилган муддатларда муайян ишларнинг бориши тўғрисида янгиликларни жамоатчиликка етказиши лозим. Булар янгилик бўла оладими, деган саволга жавоб аниқ. Ахир янги турдаги, ривожланган давлатлар даражасидаги данҚиллама ўқув биноси, синфларнинг, фан хоналарининг жиҳозланиши юқори даражада экан, биз учун янги жиҳатлари кўп экан нега у янгилик бўла олмайди? Аввалги мавзуларимиздаги таърифлардан бирида одамлар учун кутилмаган воқеалар янгилик бўлади,

дедик. Маълум бўлдики, одамлар орзусидаги ишларнинг амалга ошиши ҳам янгилик бўла олди.

Юқоридаги таҳлиллар Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд учта ҳокимиятни, уларнинг вазифасини, ҳамкорлигини ва шу ўринда журналистиканинг уларга алоқадорлигини яхши ажрата билишни талаб этилади. Конституциянинг 11-моддасида «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципага асосланади» дейилишига қарамасдан, айрим талабалар аслида тўртта ҳокимият борлигини, яъни юқорида номлари зикр этилган ҳокимиятнинг тўртинчиси оммавий ахборот воситалари дея нотўғри талқин этишади (чизмага¹ қаранг).



Тўртинчи ҳокимият атамаси ҳуқуқий демократик жамият қуришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, журналистларга нақадар масъулиятли вазифалар юкланганлигини кўрсатиш, таъкидлаш учун қўлланилади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу боис «Биз очиқ жамият қурмоқдамиз. Мақсадларимиз, ниятларимиз ва ишларимиз очиқ. Яширадиган жойи йўқ. Демак, Президент ҳам, вазирлар ҳам, оддий фуқаро ҳам, ҳокимиятлар ҳам очиқ баҳсдан, очиқ мулоқотдан ўзини тортмаслиги шарт. Бизни сайлаган одамлар ҳокимият фаолиятидан хабардор бўлиши ва унга баҳо беришида матбуот воситачи ролни бажариши лозим...»² деган эди.

Оммавий ахборот воситалари қачон ана шундай воситачи ролини бажара олади? Қачонки, жамиятда содир бўлаётган янгиликларни кўра олса, ажрата олса ва қизиқарли тарзда уни халққа кўрсата билсагина у вазифасини адо қилган бўлади. Бунинг учун у тинимсиз изланиши, воқеалар қозонида қайнаши, ўз маҳоратини, билимини ошириб бориши талаб этилади. Ислом Каримовнинг яна бир даъватида ана шу фикрлар мужассам:

¹ Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ғуёи асослари (тушунчалар, таърифлар, чизмалар, саволлар, тестлар): ғуёв ёлланмаси масъул муаррир академик Ш.З.Ғразев. - Т.: Ёзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999. -34 бет.

² Ёнг содий ёгст, ёнг зарур ёамроғ (тгповчи ва нашрга тайёровчи С.Остов). Т.: Ёзбекистон, 1998. - 96 б.

«Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва масъулиятли вазифа юкланмаган. Ўеч бир замонда оммавий ахборот воситаларига ҳозиргидек эътибор ва рақбат кўрсатилмаган. Негаки, матбуот ҳеч бир замонда мустақиллик давридагидек чинаккам миллийлик касб этмаган. Илгари у мастабид тузумнинг халқимиз табиатиға ёт ҳукмрон Ғоясини тарғиб қилишға маҳкум эди. Бугун ўзбек матбуоти, энг аввало, мустақил мамлакатимиз ва инсон манфаатларининг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида фаолият юритмоқда. Бу жараён ҳар бир журналистдан янада жасур ва фидойи, фаол ва ҳозиржавоб бўлишни, воқеалар қозонида қайнашни, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб боришни тақазо этади».¹

Бу иқтибосдаги даъватдан журналист ўзида жуда кўп фазилатларни тарбиялаши мумкин. Ижодий маҳоратни ошириб бориш учун юнон файласуфи Эпиктетнинг ёзувчиликни орзу қилганларға берган маслаҳати ўринли бўларди: «Агар ёзувчи бўлишни истасанг, ёз!»

Биз эса бу фикрни бироз ўзгартириб, азиз талабаларимизға йўллаймиз: журналист бўлишни истасангиз, тинимсиз ёзинг!

1. Янгиликларни ажрата олишнинг омиллари нималарда кўринади?
2. Матбуот ҳукумат ва халқ ўртасидаги алоқа воситаси, деганда нималарни тушунаси?
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва журналистлар борасидаги фикрларидан ўзингизға қандай вазифаларни белгилаб олдингиз?

Топшириқ

Уч ҳокимиятнинг тегишли қуйи идораларини аниқлаб, рўйхатини тузинг.

ЯНГИЛИКЛАР ТУЗИЛМАСИ ВА ОЛТИ БОҚИЙ САВОЛ

Янгиликлар тузилмаси ҳақида гап борганда соҳа олимлари одатда уч шаклга изоҳ берадилар.

Янгиликларнинг хронологик шакли. Бизда воқеа-ҳодисалар жараёни кетма-кетлик тамойилиға амал қилиб ёзилади.

Хронологик шакл

	Асосий янгилик
¹ □ша манба	

ахборот матнининг
исталган жойида
учраши мумкин

Бу ходиса бизнинг янгиликлар журналистикамизда кўп учрайди. Масалан, Олий Мажлис сессияларидан ёзилган янгиликлар ана шу тахлитда тайёрланади. Бунда асосий янгилик матннинг ҳар қаерида ҳам учраши мумкин.

«31 август куни Тошкентда Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни Олий Кенгаш раиси Ш.М.Йўлдошев очди.

Депутатлар сессиянинг кун тартибини тасдиқладилар. Унга қуйидаги масалалар киритилди.

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида;

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроқи тўғрисида;

- Республика Президенти фармонларини ва сиёсатининг баъзи ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Ўзбекистон ССР Президенти И.А.Каримов маъруза қилди.

Ушбу маърузани муҳокама қилишда халқ депутатлари, А.Орипов, А.П.Хлебушкина, И.А.Гамбург, А.А.Аветисов, Д.Н.Шамшетов, Н.Қ.Холбўтаев, А.Исаев, О.Ж.Маматова, М.А.Эгамбердиев, С.Ўофуров қатнашдилар.

*Депутатлар Олий Кенгашининг Республика давлат мустақиллиги тўғрисидаги баёнотини қабул қилдилар. Тегишли қарорга мувофиқ Ўзбекистон ССРнинг номи Ўзбекистон Республикаси деб ўзгартирилди. **Мустақиллик белгиланган кун — 1 сентябрь 1991 йилдан бошлаб байрам куни деб эълон қилинди**, бу кун дам олиш куни ҳисобланади.*

Олий Кенгаш моддама-модда муҳокамадан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Сессия Ўзбекистон Президентининг фармонларини ва Олий Кенгаш раёсатининг баъзи ҳужжатларини тасдиқлади.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Президентининг «Республика Мустақиллиги куни муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармонини маъқуллади.

Сессияда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроқи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Депутатлар тақлиф этилган намуналарни манфаатдорлик билан ва ҳар томонлама муҳокама этганларидан сўнг конституциявий комиссиянинг мутахассислар гуруҳига ушбу йўналишдаги ишларни давом эттириши ва навбатдаги сессияга Ўзбекистон Республикаси Давлат байроқининг нусхаларини тайёрлаш вазифасини топишириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шу билан навбатдан ташқари олтинчи сессия ўз ишини тамомлади(«Халқ сўзи» газетаси,1991 йил,1 сентябр).

Кўриниб турибдики ушбу матндаги оламшумул янгилик Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлигининг қонуний тасдиқидир. Матн мазкур масаланинг сессияда кўрилиши, муҳокама ва овоз беришлар, шунингдек бошқа масалалар ҳақидаги воқеалар кетма-кетлигида ёзилгандир. Асосий янгилик эса матннинг ўртасида келган.

Янгиликнинг климатик шакли. Бунда воқеа тафсилотида аввалига сирлилик оҳанги сақланади ва уни ким амалга оширгани охирида айтилади.

Климатик шакл



Юқоридаги янгиликни климатик шаклга айлантириш мумкин.

«Ўзбек халқи юз йилдан ошиқ вақтдан буён озодлик орзусида яшаб келмоқда эди. Халқнинг озодликка чиқиши бўйича бир неча уринишлари муваффақиятсизлик билан тугади. Мустабид тузум мустақиллик Ғоясини юрагида асраб, фаолият юритган кўплаб боболаримизни арзимас сабаблар баҳонасида қатагон қилди.

Кеча 31 август куни Тошкентда Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала депутатлар муҳокамасига қўйилди. Халқ депутатларининг барчаси давлат мустақиллигини ёқладилар. 1991 йилдан бошлаб 1 сентябрь мустақиллик байрами куни деб белгиланди ва бу кун дам олиш куни ҳисобланади. Олий Кенгаш моддама-модда муҳокамадан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонунни қабул қилди ва Ислом Каримов Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилди.

Эътибор берган бўлсангиз ушбу мисолимизда асосий масала - Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлиги аввалроқ келса-да, бу қонунни кимлар қабул қилганлиги ва ким Мустақилликни эълон қилганлиги охирида келяпти.

ҳарбу шарқ демократик давлатлар журналистикаси илмида янгиликлар тузилмаси ҳақида гап борса, албатта, «**тўнкарилган эҳром**» ибораси тилга олинади. «Тўнкарилган эҳром» шакли айна кунда жаҳон оммавий ахборот воситаларида кенг қўлланилмоқда.

Қисқа янгилик ёзишнинг маъноси сирлиликни ёки беҳаловатликни яратиш ёки ўқувчи билан «ўйнашиш» эмас, билъакс нима воқеа юз

берганлигини айтишдир, деган хулосага келишди АҚШ олимлари А.Л.Лоренз ва Жон Вивиан.

Юқоридаги мутахассислар фикридан маълум бўладики, мазкур шаклда янгилик матннинг аввалида келади, яъни аввал янгилик айтилади, шундан сўнггина бошқа тафсилотлар берилади.

Тўнкарилган эҳром шакли



Ушбу шаклни юқоридаги - ўзимиз учун энг азиз, энг улуқ бўлган МУСТАҚИЛИК эълон қилинган сессия ахбороти мисолида кўриб чиқамиз. Бунда климатик шаклга тескари равишда иш тутилади, яъни асосий янгилик юқорига кўтарилади.

«Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Қуллик кишанларини синдирган бу оламушумул воқеа 31 август кунини Тошкентда Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида депутатларнинг берган кўпчилик овози билан амалга ошди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала депутатлар муҳокамасига қўйилгач, мазкур масала юзасидан Ўзбекистон ССР Президенти И.А.Каримов маъруза қилди. Маърузани муҳокама қилишда қатнашган халқ депутатларининг барчаси давлат мустақиллигини ёқладилар. Олий Кенгаш моддама-модда муҳокамадан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Тегшли қарорга мувофиқ Ўзбекистон ССРнинг номи Ўзбекистон Республикаси деб ўзгартирилди. Мустақиллик белгиланган кун — 1 сентябрь 1991 йилдан бошлаб байрам кунини деб эълон қилинди ва бу кун дам олиш кунини ҳисобланади.

Ниҳоят ўзбек халқининг орзуси амалга ошди».

Мисолдан аён бўлиб турибдики, биринчи кириш гапида асосий янгилик айтилди. Кейин эса воқеа юз берган жой, унинг иштирокчилари ва бошқа тафсилотлар янгиликни тўлдириб келаяпти.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари янгиликлари қабул қилган олти савол - «ким», «нима», «қаерда», «қачон», «нега», ва «қандай қилиб» ахборотнинг асосий унсурлари эканлиги аввалги мавзуларда таъкидланган эди.

«Ким»лиги ёки «нима»лиги маълум бўлмаса у умуман янгилик бўлмаслиги тайин. Яна юқоридаги мисолга мурожаат қиладиган бўлсак, **Мустақиллик(нима?) Олий Кенгаш депутатлари (кимлар?)** томонидан қабул қилинганлиги айтилмаса, ёзилган матн миш-мишга айланади.

Одатда ҳамроҳингизга бир воқеа-ҳодиса ҳақида гапириб берсангиз, лекин вақтини айтишга улгурмасангиз ҳамсуҳбатингиз воқеанинг қизиқарлилигидан ҳайратланса-да, «қачон» дея савол бериши табиий. Зеро, воқеа-ҳодисанинг бўлиб ўтган вақтини билмаслик янгиликнинг бир кам бўлиб қолишига сабаб бўлади. «Қаерда» бўлиб ўтганлигини айтмасангиз, бу саволни суҳбатдошингиздан албатта эшитасиз, чунки воқеанинг, масалан, авиафалокатнинг қаерда содир бўлганлиги айтилмаса у яна турли гумон ва миш-мишларни келтириб чиқаради. Юқоридаги саволларга жавоб олгач, навбатдаги саволлар келиб чиқади: «нега?» ва «қандай қилиб?» «Қандай қилиб?» саволига воқеа тасвирини бериш билан жавоб бериш мумкин. Лекин, «нега» деган саволга янгиликлар сабаблари аниқлангунга қадар бериш қийин бўлиши мумкин. Бироқ бу ҳол тўғридан тўғри воқеа жойидан олиб берилаётган тезкор янгиликларда учраши мумкин. «Нега» саволи жавобсиз қолган янгиликлар тугамайди ва унга келажакда кўп мурожаат этилади. Бироқ биз юқорида келтирган Мустақиллигимизнинг эълон қилинганлиги ҳақидаги янгиликда саволларнинг барчасига жавоб берилган.

- 1.Хронологик шаклни изоҳлаб беринг.
- 2.Климатик шакл нима?
- 3.Тўнқарилган эҳром ҳақида нималарни биласиз?

Топширик

Уч шаклдан ҳар бирига ОАВдан мисол топинг ёки ёзинг.

КИРИШНИНГ ОЎАНРАБОСИ

Ўйдеҳаа, аеіе³ñà ²àđá æóđíàëēñòëēāñè yíāëëëëēāđ ààđíëíëíā ҳаđ áëđ á'ëāāëíë àëíхëāā íëëā 'đāāíāāë, á'ëāæāë æóđíàëēñòëāđāā óëāđíë 'đāāòāāë, òàхðëðëуòëāđāā ўñà æóđíàëēñòëāđāāí øó òāðëëò ,çëøíë òāëāā ³ëëëøāāë. *Кириш* худди ана шундай бўлаклардан биридир. *Кириш*да шундай гап тузилиши лозимки уни ўқиғач, ўқувчида янгилик матнининг қолган қисмини ҳам ўқишга рақбат уйқонсин.

Турли *кириш*ларни ўрганишдан аввал сарлавҳали янгиликлар ҳақида икки оқиз сўз. Сарлавҳага танланган сўзлар – *кириш*нинг энг таъсирли воситасидир. Сарлавҳа оддий матнга нисбатан катта ҳарфларда терилгани боис ҳам у тез кўзга ташланади, эътиборга тушади. Қуйидаги мисолга мурожаат қилайлик.

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Ўзбек халқи юз йилдан ошиқ вақтдан буён озодлик орзусида яшаб келмоқда эди. Халқнинг озодликка чиқиши бўйича бир неча уринишлари мувоффақиятсизлик билан тугади. Мустабид тузум мустақиллик Ғоясини юрагида асраб фаолият юритган кўплаб боболаримизни арзимас сабаблар баҳонасида қатагон қилди.

Кеча 31 август куни Тошкентда Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала депутатлар муҳокамасига қўйилди. Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон ССР Президенти И.А.Каримов маъруза қилди.

Маърузани муҳокама қилишда қатнашган халқ депутатларининг барчаси давлат мустақиллигини ёқладилар. Депутатлар Олий Кенгашининг Республика давлат мустақиллиги тўғрисидаги баёнотини қабул қилдилар. Тегишли қарорга мувофиқ Ўзбекистон ССРнинг номи Ўзбекистон Республикаси деб ўзгартирилди. Мустақиллик белгиланган кун — 1 сентябрь 1991 йилдан бошлаб байрам куни деб эълон қилинди, бу кун дам олиш куни ҳисобланади. Олий Кенгаш моддама-модда муҳокамадан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонунни қабул қилди».

Кўриниб турибдики, кўзга ташланадиган бу сўзлар ўша даврда халқимиз ва дунё ҳамжамияти учун ҳам эътиборли эди.

Ўозирги даврдаги аксар матбуот нашрлари ўз саҳифаларида янгиликлар устунчаларини ташкил этганлар. Уларнинг кўпчилиги жойни иқтисод қилиш ва кўпроқ маълумот бериш учун янгиликлар матнларига сарлавҳа қўймайдилар. Худди шу ўринда юқорида таъкидланган *кириш*нинг аҳамияти бекиёсдир. Киришнинг эса турлари кўп.

Кўпчилик янгиликлар *қачон*лигини билдириш билан бошланади. Негаки ХХI аср жадаллашган ахборот асридир. Шу боис бир янгиликни айтсангиз, албатта қачон деган саволни эшитасиз.

«Кеча Андижон вилоятининг Асака шаҳрида Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари ҳамкорлигида «ЎЗДЭУ» автомобил ишлаб чиқариш заводи ишга тушди. Унинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов қатнашди. Завод «Тико», «Дамас», «Нексия» русумидаги энгил автомобилларни ишлаб чиқара бошлади».

Айрим нашрлар эса янгиликлар аввалида «Кеча» деган ёки бир кун аввалги санани ёзиб қўядилар. Уларнинг наздида бу ҳам маълум маънода газета саҳифасидаги жойни иқтисод қилади, ўқувчи вақтини тежайди.

Нью-Йорк.2001 йил 11 сентябр.

Соат 8.45. Дунёга машҳур икки «эгизак» бино 110 қаватли Бутунжаҳон савдо маркази минораларидан бирига келиб урилган самолёт турли кайфиятда, ўзига хос ўй хаёллар билан иш кунини бошлаган кўплаб инсонлар ҳаётини бевақт тўхтатиб қўйди. Айрим одамлар эса ҳатто саросимага тушишга ҳам улгурмадилар.

Соат 9.03. Бир неча дақиқа олдинги бахтсиз ҳодисадан қарахт ҳолатга тушиб қолган кишилар, бу воқеа тасодиф эмас, балки террорчилик эканлигини англаб етдилар. Чунки худди аввалгидай «Боинг» русумли ҳаво лайнери «эгизаклар»нинг иккинчисига келиб урилди.

Соат 9.40. Вашингтон. АҚШ Мудофаа вазирлиги - Пентагоннинг бешбурчак шаклидаги биносига учинчи самолёт келиб урилди. Бир қанча инсоннинг ҳаётига зомин бўлган портлаш натижасидаги ёнқин ярим тунгача ўчмади. Бу пайтда Пентагон биносида таъмирлаш ишлари кетаётганлиги боис кўпчилик ишда бўлмаган ва айнан уларгина бахтли тасодиф туфайли тирик қолдилар.

Соат 9.58. «United» авиакомпаниясига қарашли тўртинчи самолёт «Боинг-757» Питсбург яқинида ҳалокатга учради. Ердаги оператор хизматчи ушбу самолёт йўловчиларидан бирининг «самолёт террорчилар томонидан эгаллаб олингани ва у ҳожатхонага яшириниб уяли телефон орқали хабар бераётганини» эшитишга улгурди, холос (Интернет маълумотлари асосида «Ma'rifat» газетасида чоп этилган).

Кўриб турибсизки, юқорида келтирилган мисолларда нафақат бир кун, балки маълум соат, ҳатто дақиқалар ҳам аниқ кўрсатилган. Демак қачонлиги доим янгиликнинг тўлақонли бўлишига хизмат қилади.

Худди шу зайдда «ким», «қаерда», «нима» каби саволларга жавоб берувчи сўзлар билан бошланган *кириш*ларнинг ҳам ўзига хос аҳамияти борки, булар дунё жамоатчилиги эотиборидаги *шахс*, *жой* ва *воқеа-ҳодиса*га қараб танланади.

Иқтибосли *кириш*нинг ҳам ўзига хосликлари бор. Бунда асосан машҳур ёки таниқли шахслар томонидан айтилган, ва албатта, кенг жамоатчилик учун зарур ёки қизиқарли бўлган фикрлар берилади.

Ўқувчига мурожаат қилинган саволли *кириш*нинг ҳам эътиборни жалб қиладиган сифатлари мавжуд. Саволли *кириш* - бу сўроқ гап, лекин оддийгина сўроқ аломати қўйилган гап эмас.

«Бор йўқи бир ўпич ҳаёда қилиш эвазига баҳоси 6 минг АҚШ доллари турадиган «Фиат» машинасига эга бўлиш мумкинми? Ўа, мумкин экан, бунга Вилнюсда яшовчи Лигита Албужите исмли қизалоқ мисолида ишониш мумкин. У маҳаллий радиостанция томонидан уюштирилган «Ўпиб кетгил» деб номланган ўйинда иштирок этиб, кўп сонли рақибларини ортда қолдирди.

Ўйин шарти қўйидагича эди: мусобақа Қолиби учун ажратилган машинага лаб теккизган ҳолда кимда-ким узоқ вақт тура олса, биринчиликни ўша иштирокчи қўлга киритади. Бу ишни ҳаммадан ошириб уддалаган Лигита ўзи ёқтирган «Фиат»ни 39 соату 36 дақиқа мобайнида лабларини узмаган ҳолда ўпиб турди» («Ўқуқ» газетаси, 2000 йил, 23 февраль).

Мазкур мисолдан кўриниб турибдики, саволли *кириш* маълум маънони, мақсадни кўзлаб ишлатилади.

«*Мавзуга қайтиб*» *кириши* бу бирор нашрнинг ёки ахборот агентлигининг аввалги янгиликларида жавобсиз қолган *нега* ва *қандай* қилиб саволларига жавоб берилади ёки айрим жиҳатларига аниқлик киритилади. Бундан ташқари берилган ахборотларнинг кутилмаган томонлари очилиб қолиши мумкин. Мавзуга қайтиб *кириши*да аввалги бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг асоси эслатилиши лозим бўлади.

1. Янгиликлар ёзишда *кириш*нинг аҳамияти.
2. Қандай *кириш*ларни биласиз?
3. Сарлавҳа танлаш маҳорати.

Сарлавҳаданок сездингизки, гап она тили имкониятларидан яхши фойдалана олиш, ёзиш усули, таҳрир санъати ҳақида боради. Тилни, яъни ўзбек тили, унинг қонуниятларини яхши билиш журналистикада, хусусан янгиликлар ёзишда жуда қўл келади.

Турли жанрларда ёзилган мақолаларда сўзнинг нотўғри ишлатилганлигига гувоҳ бўламиз. Бу фақат жумланинг Қализ чиқишигагина эмас, балки маънонинг бузилишга ҳам сабаб бўлади. Оз сўз ишлатишни талаб қиладиган янгиликлар жанри табиатига эса бу ҳол мутлақо тўғри келмайди. Битта нотўғри ишлатилган сўз янгилик мазмунини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. Шу боис ёзишни бошлаётган журналист ҳар бир сўзнинг луҚавий маъносини билиши, бунинг учун эса албатта изоҳли луҚатлар билан кўпроқ ишлаши лозим. Бундан буён талаба-журналист матбуотда эълон қилинаётган ҳар бир янгиликни икки мақсад билан ўқиб бориши талаб этилади. Биринчи мақсад унинг оддий ўқувчи сифатида янгиликлардан бохабар бўлиши бўлса, иккинчи мақсад ўша янгилик матнини профессионал журналист сифатида ўқиши, уқиши, уларнинг ўзига маъқул жиҳатларини олиб, ўз услубини яратишидир.

Сўз юки, сўзни ҳис қилиш деган иборалар асосан бадиий адабиёт, айниқса назм борасида фикр юритилганда бот-бот тилга олинади. Бу ибораларни янгиликлар ёзишда ҳам қўлласа бўлади. Негаки янгилик ёзишда қисқаликка, аниқликка риоя қилинади. Шундай экан сўз маъносини яхши билган - сўзни ҳис қилган журналист фикрни қисқа сатрларда баён қиладди. Бундай маҳорат тинимсиз ўқиш, изланиш, ёзиш, қайта-қайта таҳрир қилиш натижасидагина вужудга келадиган ҳодисадир.

Ноўрин ёки ортиқча ишлатилган сўз, жумла ўқувчини бездиради. Агар муҳбир бундай хатоликларга йўл қўйса, табиийки мазкур носозликни тузатиш муҳаррир зиммасига тушади.

Гап таҳрирга келиб тақалди. Албатта таҳрирни ҳам жанрга асосланиб турларга бўлиш мумкин. Улар орасида янгиликлар таҳрирининг ҳам ўзига хосликлари бор.

Келинг энди сиз билан бирга муҳбирликдан муҳаррирлик вазифасини бажаришга киришамиз. Тахмин қилайлик, қўлимизга муҳбирлар ёзган матн келиб тушди. Айрим муҳаррирлар уни ўқий бошлашлари биланок, яъни биринчи гапни ўқишдан таҳрирга киришадилар. Аслида эса матнни тўлиқ ўқиб чиқишимиз лозим. Аввало ёзилган воқеа-ҳодисанинг ўзи янгиликларга арзиш-арзимаслигини англаб олишимиз керак. Ўқиганда ҳам шошмасдан ортиқча сўзларни аниқлаб, кичик хатоларни ўзимиз учун белгилаб ўқисак, (агар арзийдиган янгиликлар бўлса) бўлажак таҳриримизга ёрдам беради. Шунингдек бу таҳрир олди ўқиш жараёнида муаллифга бериладиган саволларимизни ҳам белгилаб оламиз. Ахир барча матнлар ҳам тўқис тушаверганида ахборот агентликларини газеталарда муҳаррирлик вазифалари жорий этилмаган бўларди.

Муҳаррир таҳрир давомида муҳбирнинг воқеа-ҳодиса ҳақида ёзган далилларини, ёзиш услубини бузмаслиги(агар у яхши бўлса), қисқаси унинг

меҳнатига ҳурмат билан муносабатда бўлмоқчи лозим. Агар янгиликларда ноаниқлик ёки фикрни баён этишда Қализлик сезилса, уни бартараф этиши зарур.

«Донишманд шоиримиз Ғафур Ғулом «Гапириб таржима қил», деган экан. Агар шу ўғитни таҳрир санъатига қўллайдиган бўлсак, яъни муҳаррир «гапириб» таҳрир қилса, матннинг фақат мазмунигина эмас, балки оҳанги ҳам бузилмайди, муаллифнинг услуби ҳам сайқал топади», дейди таҳрир санъати соҳиби, журналист Маҳмуд Саъдий. Бу фикрга изоҳнинг ҳоҷати бўлмаса керак.

Кўпчилик ҳолларда сўз ёки жумла мақоллар ноўрин ишлатилади. Муҳбирлар уларни гоҳида чуқур ўйламай, гоҳида тўлиқ англамасдан ишлатадилар. Гоҳида эса улар излаб топа олмаган, лекин «тилларининг учида турган» зарур сўзни муҳаррирлар топадилар.

Баъзан ахборотлар нотўғри берилади. Бундай ҳолатлар сиз ишлайдиган нашрнинг обрўсига футур етказди. Шунинг учун муҳаррир бу янгиликларни текшириб кўради.

Иқтибосларни, айниқса хориж вакиллариининг фикрларини кўштирноқ ичига олиб ишлатиш жуда катта масъулиятни талаб этади. Муҳаррирлар бу ҳолларда янгиликларни ёзган журналистларга ишонишга мажбур бўладилар. Лекин имкон даражасида уни қайта текшириб кўрсалар айти муддао бўлади. Бошқа тилда чоп этилган, дейлик интернет орқали тарқатилаётган матнлардаги сиёсий арбоблар, таниқли кишилар, умуман сиз учун зарур фикрни айтган кишининг сўзлари аниқ, сўзма-сўз таржима қилиниши келгусида вужудга келадиган кўпгина ноҳуш ҳолатларнинг олдини олади.

Донишманд шоиримиз Ғафур Ғулом «Гапириб таржима қил», деган экан. Агар шу ўғитни таҳрир санъатига қўллайдиган бўлсак, яъни муҳаррир «гапириб» таҳрир қилса, матннинг фақат мазмунигина эмас, балки оҳанги ҳам бузилмайди, муаллифнинг услуби ҳам сайқал топади.

***Маҳмуд САЪДИЙ,
таҳрир санъати соҳиби.***

1. Она тили имкониятларидан фойдаланиш деганда нимани тушунасиз?
2. Муҳаррир нималарни билиши керак?
3. Муҳаррирнинг вазифалари.

ЯНГИЛИК ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОАВ ДАГИ ЎРНИ

Янгиликлар сиёсий, иқтисод-молия, таълим, илмий, спорт, ҳуқуқий, ҳарбий, экология ва бошқа турларга бўлинади. Улар матбуот нашрлари саҳифаларида, теле, радио дастурларида ўз ўрнига эга. Дейлик газеталарда аввал сиёсий ёки шов-шувга сабаб бўладиган янгиликлар берилади. Иқтисодий ва ҳоказо янгиликлар кейинги доимий саҳифаларидан ўрин

эгаллайди. Теле, радио янгиликлар дастурларида ҳам кетма-кетлик шу тартибда қўйилади.

СИЁСИЙ ЯНГИЛИКЛАР ДОИМ ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРДА

«Аввал иқтисод, кейин сиёсат», «Аввал таом, бадаз калом» каби азалий саволлар янгиликларни беришда ҳам «баҳслашиб» қолади ва аксар ҳолларда сиёсат енгиб чиқади. Эътибор берсангиз газеталардаги янгиликлар рукнида ёки телерадионинг янгиликлар дастурларида биринчи ўринда сиёсий мавзу берилади. Бир жиҳатдан бу бўлинишлар нисбий ҳисобланади. Негаки, хоҳ иқтисодий мавзу бўлсин, хоҳ ҳарбий ёки спорт бўлсин унда барибир давлат сиёсатининг унсурлари бўлади.

Айниқса бугунги тараққий этаётган, турли янги хавфлар кўпаяётган даврда сиёсат, сиёсий алоқалар юқори мавқега кўтарилади. Сиёсий янгиликлар деганда асосан давлат раҳбарларининг учрашувлари, баёноtlари, ташрифлари, айтаётган фикрлари, улар чиқараётган қарорлар, парламентлардаги баҳслар, давлатлар ўртасидаги муносабатлар ва тегишли бошқа воқеа-ҳодисалар тушунилади.

Уларнинг аксарияти янгилик бўла олади. Сиёсий янгиликлар ёки халқаро сиёсат ҳақида ёзадиган журналист сиёсат тарихини, бугунини, икки давлат ўртасидаги келишмовчилик ёки низо тўғрисида ёзадиган муҳбир эса халқаро муносабатлар тарихию бугунини яхши билмоқчи талаб этилади. Йиллар давомида ечимини тополмай, чигаллашиб келаётган муаммоли ҳудуддаги бир воқеани оддийгина сўзлар билан таърифлаб бўлмайди. Бу ҳолатларда кўпчилик ахборотлар атай, фитна учун уюштирилиши инобатга олиниб, барча маълумотлар қайта-қайта текширилиши лозим бўлади.

СПОРТ ҚАЧОН БОШ МАВЗУГА АЙЛАНАДИ?

. Дунё журналистикасида тан олинган ва унга амал қилинадиган ўзига хос қонуниятларга кўра спорт янгиликлари сўнгги саҳифалардан бирида берилади. Бироқ шундай пайтлар ҳам бўладикки спорт ҳам миллат учун биринчи даражали воқеага айланади. Россия телеканалининг янгиликлар дастури Сиднейда бўлиб ўтган асрнинг сўнгги олимпиадасида олтин медалга соҳиб бўлган машҳур теннис устаси Евгений Кафельниковга доир янгилик билан бошлаганида, тўғриси, кўпчиликнинг ҳаваси келарди. «Бизнинг газеталар, телеянгиликлар дастурлари биринчи каломни Сиднейдан бошлашармикан?». Бу гап мазмунидаги орзу ҳар бир ўзбекистонликнинг юрагида бор эди. Олимпиаданинг сўнгги кунида бу воқеа содир бўлди. Ватандошимиз бокс бўйича жаҳон чемпиони, жаҳон кубоги соҳиби Муҳаммадқодир Абдуллаев финалда америкалик боксчини мақлубиятга (27:20) учратиб асримиз сўнгги олимпиадасининг сўнгги кунида олтин медални қўлга киритди. Бу янгилик Ўзбекистон газеталари ва телерадио янгиликлари дастурининг биринчи саҳифасини эгаллайди.

«Нега шундай» деган саволга журналистика факультети талабалари: биринчидан олимпиада жаҳондаги энг катта спорт мусобақаси; иккинчидан,

олтин медал мусобақанинг энг юқори поҚонаси; учинчидан, барчанинг эътиборини тортадиган бу жойда Ўзбекистон байроҚи кўтарилади, гимни янграйди; тўртинчидан, мустақил Ўзбекистонни ер юзидаги яна бир қанча фуқаро эшитади, билади, юртимизнинг довуҚи янада ошади. Тўртинчи сабаб мазкур спорт янгилигининг сиёсий аҳамиятга ҳам эғалигини кўрсатади. Бундан ташқари воқеанинг яна бир қанча янгиликка муносиб жиҳатлари бор. Муҳаммадқодир Абдуллаевга Ўзбекистон Президентининг юборган телеграммаси бир янгилик бўлса, спортчининг Президент фармонида кўра 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги мукофотни қўлга киритгани ҳам ўзига хос янгиликдир. Бу олтин медал умумкоманда ҳисобида Ўзбекистонни ўтган олимпиада ўйинларига қараганда юқорироқ ўринга кўтарди. Хуллас бу воқеа том маънодаги янгилик эди.

Янгиликлар турларининг ҳар бири ана шундай дақиқаларда биринчи мавқега кўтарилиши мумкин.

1. Янгиликларнинг қандай турларини биласиз?
2. Сиёсат ҳақида ёзадиган журналист нималарни билиши лозим деб ўйлайсиз?
3. Спорт қандай пайтларда бош мавзуга айланади?

ТЕЛЕРАДИО ЯНГИЛИКЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Бугунги кунда аҳолининг кўпчилик қисми телевизор томоша қилишини инсон яратган бу маиший техникани кўплаб ишлаб чиқариш, сотиш, қолаверса телеканаллару теледастурларнинг машҳурлилик даражасини ўрганиш бўйича ўтказилган сўровлар натижасида биламиз. Табиийки, телеянгиликларни ҳам босма нашрларни ўқиган муштарийдан кўпроқ одамлар томоша қиладилар, янгиликларни «истеъмол» қиладилар.

Юқоридаги бўлимларда таҳлилга тортилган янгиликлар матнларини тайёрлаш бўйича айтилган фикрларнинг аксарияти матбуот нашрларига хос эди. Улардаги доимий саволлар ўрнини бошқа саволлар эгаллагани йўқ, «тўнқарилган эҳром» талаби ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Унда нимаси бошқача?

Телеянгиликларда албатта ўзига хосликлар, айрим ҳолларда устунликлар мавжуд.

Тезкорлик. Янгиликларни тезкорлик билан эфирга узатиши, баъзи ҳолларда эса тўғридан-тўғри олиб бериши телевидениенинг энг афзал жиҳатларидан биридир. Тошкентдаги 1999 йил 16 февраль соат 11 лар атрофида содир этилган террористик актлар ҳақидаги янгилик икки соатдан сўнг телевидениеда кетаётган кўрсатув тўхтатилиб (чет элда бу ҳолат брэкнүс дейилади), тезкорлик билан намойиш этилган бўлса, бу янгилик матбуот нашрлари орқали эртанги куни эрталаб тарқатилди. Фурсат Қаниматда яна бир фикрни таъкидлаш жоизки, телеянгиликлар билан

шуғулладиган журналистлар бу кунни тезкор, аниқ, ишончли ахборот бериш нуқтаи назаридан жипслашув, бирлашув куни бўлганлигини таъкидлайдилар. Тасаввур қилинг агар икки соат ўтмасданоқ ахборот тасвирлар билан берилмаганда, Президент Ислом Каримовнинг Мустақиллик майдони - воқеа-ходиса рўй берган жойга келиб, одамларни тушқунликка тушмасликларини, террорчиларни топиб жазосини бериш Ўзбекистон ҳукуматининг қўлидан келиши тўғрисидаги фикрлари кўрсатилмаганда қандай ҳолатлар вужудга келарди. Биринчидан, халқнинг ичида турли миш-миш тарқаларди, жамиятда саросималик вужудга келарди. Иккинчидан, бу аҳволдан душман кайфиятида юрган барча рақиблар фойдаланишга ҳаракат қилишарди. Ахборотнинг ўз вақтида ва ишончли тасвирлар воситасида берилганлиги яна кўплаб нохушликларнинг олдини олди.

Бевосита янгиликларни ёзишга тўхталадиган бўлсак, телевидение учун ёзадиган журналистлар янгиликларнинг бир мезонига - тезкорлигига бошқалардан кўра кўпроқ **урғу беради**, яъни телеянгиликларда **қачон** содир бўлганлиги янгиликлар оҳангини белгилайди.

Телеянгиликларда *нега* ва *қандай қилиб*дан кўра **нима** ва **қаерда**га кўпроқ урғу берилади, яъни телеянгиликлар ёзувчи журналистлар асосан тушунтиришдан кўра ахборот бериш билан қизиқишади.

Сўз танлашда эса сўзлашув тили, аниқроқ халқ кўп ишлатиладиган сўзлар кўп қўлланилади. Илмий ёки ўта бадиий сўзларни кенг аудитория тушуниш қийинчилик билан тушунади. Бундай ҳолатлар жамоатчиликда ўша кўрсатувга нисбатан эътибор ҳам, ишонч ҳам сусаяди.

Телеянгиликларнинг яна бир ўзига хослиги воқеа-ходиса юз берган жой аҳволдан тасвирга туширилган ҳужжатли, жонли лавҳалар, уларда журналист иштирокининг берилишидир. Бу ҳол матбуотда сўз ёки сурат орқали тасвирланган манзарага қараганда кўпроқ ва тўлиқроқ тасаввурни беради. Худди ана шу жиҳатлар телеянгиликларни йиқиб ва ёзишнинг матбуот нашрларидан фарқи борлигини ҳам кўрсатувчи омиллардир. Масалан матн туширилган тасвирларга, яъни лавҳалар берилаётган лаҳзаларга (агар улар ноёб бўлса) муносиб сўзлар топилади.

Айрим ҳолларда журналист янгиликлар матнини аввал ёзади. Бунинг ёмон томони йўқдек. Бироқ керакли матн тайёрлангач, унга эски тасвирларни «пайвандлашади». Бу ҳолат эса томошабинни чалғитади. Мисол тариқасида АҚШ Афғонистондаги террористлар ўчоғларига ҳужумлар уюштиришдан аввал бир неча давлатлар билан музокаралар олиб борди. Ўзбекистон махсус баёнот бериб, гуманитар ёрдам учун АҚШ самолётларига қўналҚа беришини эълон қилди. Бироқ шу куниёқ Россиянинг айрим ОАВ Ўзбекистонга АҚШ ҳарбий самоётлари келиб қўнганлигини айтишиб, ҳужжатли тасвир беришди. Унда Америка ҳарбийлари билан ўзбек ҳарбийларининг биргаликдаги мулоқотлари тасвирланган эди. Аниқланишича, бир йил олдин икки давлат ҳарбийлари ҳамкорлигида ўтказилган укув машғулотлари даврида бу тасвир суратга туширилган ва ёлғон ахборотга «пайвандланган» экан. Оддий томошабин нигоҳида эса бўлмаган воқеа бўлдига айланди. Ҳақиқий аҳволни тушунтириш учун

хукумат ва ўзбек оммавий ахборот воситалари анча ҳаракат қилишди. Бундай сохта ахборотларни тарқатишдан кўзланган мақсадни эса ҳушёр журналист дарров англаб олади.

Ваҳоланки эски тасвирлардан фойдаланишнинг ўзига хос одоби бор. Дейлик терроризмга қарши бўлиб ўтган митинг ҳақида ахборот бериш жараёнида архивдаги терактларни қайта кўрсатиш яхши самара беради(шунда ҳам тасвир остига архив деб ёзилади), лекин чегарадаги воқеа-ҳодиса ҳақида янгиликлар тайёрлашда эски ва номуносиб кадрларни такроран кўрсатиш нотўғридир.

Яхши телевизион журналистика янгиликларни асосан жозибали ва тиниқ шаклда намоиш этади.

Билл Смолл,

АҚШ тележурналисти.

Телевидениега сўз маҳоратини эмас, сўз ҳамда тасвирнинг уйқунлашувини намоиш этиш учун ёзилади.

Садриддин Суяров, тележурналист

Яхши телерепортёр камера унинг ёзиш асбоби эканлигини англамоқчи даркор.

Жак Хаббард,

Станворт университети янгиликлар бирлашмаси директори.

Радиоянгиликлар аввало қулоқ учун ёзилади, деган ибора мутахассислар лафзида кўп такрорланади. Ҳақиқатан ҳам радио эшитилади. Демак радио учун ёзганда аввало қулоқимиз тез қабул қиладиган, сўзлашувда кўп ишлатиладиган содда ва аниқ янграйдиган сўзлар танланади. Гаплар ҳам қисқа ва лўнда тузилади.

1. Телеянгиликларнинг ўзига хослиги нимада?
2. Тасвир ва сўз уйқунлиги деганда нимани тушунасиш?
3. Радиоянгиликларнинг ўзига хослиги нимада кўринади?

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Журналист - а) Ўзбекистон Республикасининг ёки хорижий давлатнинг оммавий ахборот воситаларида хизмат қиладиган ёхуд уларда шартнома асосида ишлайдиган ва маълум мавзудаги ахборотни тўплаш, таҳлил этиш ҳамда тарқатиш билан шуғулланувчи шахс тушунилади: б) ўтмишда журналда ишлайдиган ижодий ходим тушунилган.

ОАВ (Оммавий ахборот воситалари) - газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение(кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли кино,

электрон ахборот тизими, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар.

Таҳририят ходими - бирор бир таҳририят штатида турувчи ва материаллар тўплаш, уларни таҳлил ҳамда таҳрир қилиш, тайёрлаш билан шуғулланувчи шахс.

Мухаррир - а) оммавий ахборот воситаси таҳририяти, таҳрир хайъатининг раҳбари; б) таҳрир қилувчи, таҳрир устаси.

Таҳрир - янгилик, интервью, репортаж, мақола ва бошқа ижодий ишларни, асарни тузатишлар киритиб, яхшилаш.

Мухбир - ОАВ таҳририятларида, унинг бўлимларида ишлайдиган, маълум мавзудаги ахборотни тўплаш, таҳлил этиш ҳамда тарқатиш билан шуғулланувчи шахс, ижодий ходим, журналист.

Журналистика соҳасининг сири - фуқаролар ёки бошқа ахборот манбалари томонидан ихтиёрий равишда маълум қилинган махфий хабар, шунингдек факт ва воқеалар.

Ахборот манбаини ошкор этмаслик - ОАВ хабар, маълумот, факт ёки далиллар тақдим этган манбанинг ёки таҳаллусини қўйган муаллифнинг номини уларнинг ёзма розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. ОАВ ахборот манбаининг ёки таҳаллусини қўйган муаллифнинг илтимосига биноан судда унинг номидан иштирок этиши мумкин.

Журналистнинг дахлсизлиги - журналист журналистик фаолиятини амалга ошириш чоғида шахс дахлсизлиги кафолатидан фойдаланади. Танқидий материаллар эълон қилганлиги учун журналистни таъқиб қилишга йўл қўйилмайди.

Мусахҳиҳ - газетани нашрга тайёрлаш жараёнида материалларнинг имло қоидаларига мослигини аниқлайдиган, тузатадиган ноижодий ходим.

Тўртинчи ҳокимият - бу атама ҳуқуқий демократик жамият қуришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, журналистларга нақадар масъулиятли вазифалар юкланганлигини кўрсатиш, таъкидлаш учун қўлланилади.

Янгилик - яқин фурсатда бўлиб ўтган, жамиятнинг асосий қисми учун муҳим ва қизиқарли ҳисобланган воқеа-ҳодиса ёки фикр ҳақидаги ахборот.

Хронологик шакл - янгиликлар ёзишнинг шаклларида бири бўлиб, унда воқеалар жараёни кетма-кетлик тамойилига асосланади.

Климатик шакл - янгиликлар ёзиш шаклларида бири. Унда асосий янгилик матннинг охирида айтилади.

Тўнкарилган эҳром шакли - янгиликлар ёзиш шаклларида бири. Бунда асосий янгилик матннинг бошида келади.

Кириш - янгиликлар матнидаги биринчи гап ёки абзац.

Тезкорлик - янгиликларни тезлик билан ёзиш, чоп эттириш, эфирга узатиш.

Аниқлик - фикрларни содда, тушунарли сўзлар ёрдамида баён этиш.

Ишончлилик - янгиликлар учун асос бўладиган маълумотларнинг ҳаққонийлиги.

Интервью - журналист(мухбир) билан бирор шахснинг халққа кизиқарли бўлган мавзудаги ўзаро суҳбати, бу суҳбатнинг газета-журналда чоп этилиши ёки телерадиода эфирга берилиши.

Репортаж - а) *ахборот бериш, сўзлаб бериш, тасвирлаб бериш* каби маъноларни англатади: б) ахборот беришнинг бир тури - журналист воқеа-ҳодисанинг бевосита гувоҳи бўлиб, ўша жой муҳити, манзараси, одамларнинг кайфияти, воқеа-ҳодисалар жараёнини (сўз ёки видеотасвир воситасида) шундай тасвирлайдики, репортажни ўқиган, радио тўлқинлари орқали эшитган ва телевидение воситасида кўрган ҳар бир киши шу пайтгача берилган янгиликлар ва қисқа ахборотларга нисбатан тўлиқроқ тасаввурга эга бўлади.

Сарлавҳа - ёзилган журналистик материал ёки бадиий асарнинг номланиши: у матндаги асосий мазмунни билдириши, лекин қисқа - 1 тадан 4 та сўзгача (айрим мамлакатлар журналистикасида ўнtagача) бўлиши ва газетхонни ўзига жалб этиши лозим.

Тагсарлавҳа - сарлавҳани кучайтириш, матн мазмунини янада кенгрок англатиш ва ўқувчини жалб этиш учун журналистик материал сарлавҳасининг пастида, кичикроқ ҳарфларда ёзилади: сўз миқдори сарлавҳадаги сўзларга нисбатан кўп бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Асосийлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсақасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари -Т.: Ўзбекистон, 1997. - 326 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: ХХII чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги Қонунига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар билан)- Т.: Ўзбекистон, 2000. - 40 б.
3. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни // «Халқ сўзи». - 1998. - 10 янв.
4. «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни // «Халқ сўзи». - 1997. - 26 апр.
5. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни // «Халқ сўзи». - 1997. - 26 апр.
6. Миллий истиқлол Ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: «Ўзбекистон», 2000. - бет.

7. Журналистларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисида қонунчилигига илмий-амалий шарҳлар. Биринчи китоб. (тузиш, сўзбоши ва шарҳлар: К.Баҳриев). Т.: «Фан». 2000.-192б.

8. Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикасининг Оммавий ахборот воситалари тўғрисида қонунчилигига шарҳлар. Иккинчи китоб (Тузиш, сўзбоши ва шарҳлар К.Баҳриев).Т.: «Ғафур Ғуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 2001.-292 б.

9. Тўртинчи ҳокимият. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами (тузувчи ва сўзбоши муаллифи Ж.Раззоқов). - Т.: Ўзбекистон, 1998. -160 б.

10. Университет таълими учун журналистика мутахассислиги бўйича ўқув дастури. Т.: Университет, 1997. - 265 б.

11. Ворошилов В.В. Журналистика: Учебник. СПб.: Изд.Михайлова, 1993. - 304 с.

12. Низомов, Фахриддин. Янгиланиш анъанаси. - Т.: Маънавият, 1998. - 80 б.

13. Рэндал Д. Универсальный журналист: перев. с англ. Алексея Порьяза. - Алматы: Центральноазиатская школа молодых журналистов, 1996. - 344 с.

14. Саидов Ў. Янгилик тушунчаси. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. - 2000, 3-4 сон. Б:29-31.

15. Саидов Ў. Спорт қачон бош мавзуга айланади?// «Ma'rifat». - 2000. - 6 октябрь.

16. Саидов Ў. Фавкулудда, қизиқарли, тезкор. Ўзбекистон матбуоти. - 2002, 3-сон. Б:10-13.

17. Саидов Ў. Янгиликлар ёзиш ва таҳрир санъати. Т.: «Маърифат-мададкор», 2002. - 56 б.

18. Саидов Ў. Бизда цензура бўлмаган. Ўзбекистон матбуоти. - 2002, 6-сон. Б: 6-8.

19. Саидов Ў. Янгиликлар ёзишда журналист тили имкониятлари // Филология масалалари. - 2003, 2-сон. Б: 41-42.

20. Саидов Ў. Ахборотни бошқариш афзалми ёки яшириш? // Филология масалалари. - 2004, 1-сон. Б: 41-42.

21. Саидов Ў. Журналистнинг таянч нуқтаси // Филология масалалари. - 2004, 2-сон. Б: 41-42.

22. Саидов Ў. Таназзулдан огоҳ этган янгилик // Филология масалалари. - 2005, 1-сон. Б: 38-43.

Қўшимчалар

23. Alfred Lawrence Lowrenz, John Vivian. News Reportig and Writing. USA: Allyn and Becon, 1996.-616 p.

24. Brian S.Brooks, George Kennedy,Daryl R.Moen,Don Renly. News Reporting and Writing. Sixth Edition.(The Missouri group).USA: Bedford/st.Martin's, 1999.-579 p.

25. Carole Rich. Writing and Reportig News. A Coaching method/ Second Edition. USA: Wadsworth Publishing Company, 1997, 610 p.
26. Conrad C.Fink. Introduction to professional newswriting. Second revised edition. USA: Longman Pablisher, 1998. - 462 p.
27. Fred Fedler, John R.Bender,Luchinda Davenport,Paul E.Kostyu/ Reporting for the Media. Sixth Edition.USA: Harcourt Brace & Company, 1997, - 615 p.
28. Melvin Mencher. News Reporting and Writing. - Seventh edition. - USA, Brown and Benchmark, 1997.-712 p.
29. Palph S. Izard, Marilyn S. Greenwald. Public Affairs Reporting. The citizen's News. - Second edition. USA: - Wm. C.Brown Publishers, 1991. - 377 p.
30. Shrivastava K.M. Media issues. India: Sterling Publishers, 1992. - 168p.
31. Shrivastava K.M. News reporting and editing.-Second revised edition. India: New Delhi, 1991. - 272 p.
32. Terry Ellmore R. Mass Media dictionary. USA. Lincolnwood, Illinois, 1992. - 668 p.
33. Warma A.K. Advansed journalizm. India: Her - Anand Publications, 1993. - 115 p.

АМАЛИЙ МАШЎУЛОТЛАР (12 соат)

1. Деворий газета чиқариш, жамоа бўлиб ишлаш кўникмаси - 2
2. Сиёсий янгиликлар ёзиш - 2 с.
3. Иқтисодий янгиликлар ёзиш- 2 с.
4. Фан ва таълим янгиликларини ёзиш- 2 с.
5. Маданий янгиликлар ёзиш- 2 с.
6. Спорт янгиликлари ёзиш- 2 с.

ТАЛАБАЛАР ЖОРИЙ, ОРАЛИҚ ВА ЯКУНИЙ НАЗОРАТЛАРИ УЧУН САВОЛЛАР

I

- 1.Янгилик нима?
- 2.Янгиликнинг жамият тараққиётига таъсири
- 3.Ўзбекистонда журналистларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини белгилайдиган давлат қонунлари
- 4.Янгилик тузилмаси
- 5.Янгиликни топиш ва ёзишда ихтисослашишнинг аҳамияти

- 6.Қандай «кириш»ларни биласиз?
- 7.Конфликт билан чиқиш нима?
- 8.Бўрттириб ёзишнинг зарарлари
- 9.Янгилик турлари
- 10.Телеянгиликларнинг ўзига хослиги
- 11.Радиоянгиликларнинг ўзига хослиги

II.

- 1.Янгилик нима ва унинг жамият тараққиётига таъсири
- 2.Янгилик тузилмаси, янгилик турлари
- 3.Янгиликни топиш ва ёзишда ихтисослашишнинг аҳамияти
- 4.Теле, радио янгиликларнинг ўзига хослиги, бир-биридан ва босма нашр янгиликларидан фарқи
- 5.Янгиликнинг қайси турлари бўйича матн ёздингиз? Улар қайси нашр, теле, радио ёки деворий газетада эълон қилинди? Янгиликни топиш, ёзиш, таҳрир қилиш ва чоп этиш жараёнида нималарни ўргандингиз?

ЯНГИЛИКЛАР ЖУРНАЛИСТИКАСИ КУРСИ БЎЙИЧА ЯКУНИЙ НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

I

- 1.Янгилик нима?
- 2.Янгиликнинг жамият тараққиётига таъсири
- 3.Ўзбекистонда журналистларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини белгилайдиган қандай давлат қонунларини биласиз?
- 4.Янгилик тузилмаси ва янгилик турларини кўрсатиб беринг
- 5.Қандай «кириш»ларни биласиз?

II.

- 1.Янгилик нима ва унинг жамият тараққиётига таъсири
- 2.Янгилик тузилмаси, янгилик турлари
- 3.Янгиликни топиш ва ёзишда ихтисослашишнинг аҳамияти
- 4.Теле, радио янгиликларнинг ўзига хослиги, бир-биридан ва босма нашр янгиликларидан фарқи

5.Ахборот олишнинг ҳуқуқий кафолатлари деганда нималарни тушунасиз?

Репортаж нима?

Репортажнинг қандай турларини биласиз?

Интервью нима?

Суҳбатнинг интервьюдан фарқларини кўрсатиб беринг.

Репортажнинг янгиликдан фарқи нимада?

Репортаж турларининг ўзига хосликларини тушунтириб беринг.

Интервьюнинг қандай турларини биласиз?

Суҳбат нима?

БИРИНЧИ КУРС ТАЛАБАЛАРИ ОРАЛИҚ НАЗОРАТИ УЧУН САВОЛЛАР

- 1.Янгилик нима?
- 2.Янгиликнинг жамият тараққиётига таъсири
- 3.Ўзбекистонда журналистларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини белгилайдиган давлат қонунлари
- 4.Янгилик тузилмаси
- 5.Янгиликни топиш ва ёзишда ихтисослашишнинг аҳамияти
- 6.Қандай «кириш»ларни биласиз?
- 7.Конфликт билан чиқиш нима?
- 8.Бўрттириб ёзишнинг зарарлари
- 9.Янгилик турлари
- 10.Телеянгиликларнинг ўзига хослиги
- 11.Радиоянгиликларнинг ўзига хослиги

БИРИНЧИ КУРС ТАЛАБАЛАРИ ЯКУНИЙ НАЗОРАТИ УЧУН САВОЛЛАР

- 1.Янгилик нима ва унинг жамият тараққиётига таъсири
- 2.Янгилик тузилмаси, янгилик турлари

- 3.Янгиликни топиш ва ёзишда ихтисослашишнинг аҳамияти
- 4.Теле, радио янгиликларнинг ўзига хослиги, бир-биридан ва босма нашр янгиликларидан фарқи
- 5.Янгиликнинг қайси турлари бўйича матн ёздингиз? Улар қайси нашр, теле, радио ёки деворий газетада эълон қилинди? Янгиликни топиш, ёзиш, таҳрир қилиш ва чоп этиш жараёнида нималарни ўргандингиз?

Амалий машғулотлар (18соат)

Ёзилган янгиликлар ва деворий газеталарга қўйиладиган БАЛЛАР

- Сиёсий янгиликлар – 2 б.гача
Иқтисодий янгиликлар – 2 б.гача
Халқаро янгиликлар – 2 б.гача
Ўзуқий янгиликлар – 2 б.гача
Таълим ва фан янгиликлари – 2 б.гача
Спорт ва маданият янгиликлари – 2 б.гача
Деворий газета – 7 б.гача

Изоҳ: Янгиликларни баҳолашда агар талаба ёзган янгилигини

- газеталарда чоп эттирган бўлса(февралдан бугунги кунгача)
- ўзи мустақил ёзган ва деворий газетасида чоп эттирган бўлса
- ахборот манбаидан ўзи олиб, хатосиз, таҳрирсиз ёзган бўлса, энг юқори балл қўйиш мумкин.

Деворий газеталарни баҳолаш;

- газетадаги янгилик ва мақолаларнинг муҳимлиги, тезкорлиги, ўқишлилик даражаси.

- таҳрири
- саводхонлик
- газета дизайни